

---

## Фурқатлик зиёратчилар муборак Ҳаж сафарига кузатилди

Ер юзининг барча қитъаларидаги мусулмонлар Ҳаж зиёратига бориб, Ислом динидаги бешинчи аркон амалларини адо этишади. Дарҳақиқат, муборак сафарга бориш, табаррук Каъбатуллоҳни тавоф қилиш ҳар бир мўмин-мусулмоннинг нияти, орзусидир.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътибори ва ғамхўрлиги натижасида минглаб ватандошларимиз ўз фарзларини эмин-эркин бажариш бахтига эришмоқда. Бу борада уларга давлатимиз томонидан жуда катта амалий ёрдам кўрсатилмоқда, қулай шароит яратиб берилмоқда.

Ана шундай улуғ имконият туфайли фурқатликлар ҳам 10 июн куни муқаддас зиёратга жўнаб кетишмоқда. Шу муносабат билан бугун "Бекобод" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган "Абдулқаххор ота" зиёратгоҳида тумандошларимизни кузатиш маросими ўтказилди.

Зиёратчилар учун дастурхон ёзилиб, ош тортилди. Бўлажак ҳожиларга сафарлари давомида соғлиқ, хотиржамлик, юртимизга тинчлик ва фаровонлик тилаб дуо ўқилди.

Тумандошларимиз 10 июн куни эрталаб 07:00 да "Ҳаж-2023" дастури асосида "Фарғона халқаро аэропорти"дан Мадинаи мунавварага парвоз қилиши белгиланган.

2023-06-09 10:55:04